



# O'ZBEKISTON OVOZI

SHU AZIZ  
VATAN —  
BARCHAMIZNIKI!

IJTIMOIIY-SIYOSIIY GAZETA

• 2010-yil • 14-oktabr • Payshanba • 120 (31.240) • (Tel. Faks) 233-12-56 • 1918-yil 21-iyundan chiqq boshlagan  
www.uzbekistonovozi.uz e-mail: info@uzbekistonovozi.uz

## ТОШКЕНТ — ЖАҲОН ПАХТА БИЗНЕСИ МАРКАЗИ

■ Пойтахтимизда 13 октябрь куни VI Халқаро Ўзбекистон пахта ярмаркаси бошланди



Ўзбекистон бугун жаҳон пахта бозоридagi етакчи мамлакатлардан бўлиб, пахта етиштириш бўйича олтинчи, уни экспорт қилиш бўйича учинчи ўринда туради. Президентимиз Ислам Каримов ташаббуси билан ўтказиб келинган VI Халқаро Ўзбекистон пахта ярмаркаси мамлакатимизнинг ушбу соҳадagi ўзаро манфаатли ташқи савдо ҳамкорлигини янада ривожлантириш ҳамда мустақамлашга хизмат қилади. Ярмарка Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги томонидан «Ўзпахтасаноат» уюшмаси ва «Сифат» Ўзбекистон пахта толасини сертификатлаш маркази кўмағида ташкил этилди.

VI Халқаро Ўзбекистон пахта ярмаркасининг очилишида Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида амалга оширилган кенг қўламли иқтисодий ислохотлар барча соҳаларда, жумладан, пахтачиликда юксак самаралар бераётгани таъкидланди. Бу, айниқса, дунёнинг кўпгина давлатларига салбий таъсир кўрсатаётган глобал молиявий-иқтисодий инқироз ша-

роитида яққол намоён бўлмоқда. Мазкур мамлакатлардан фарқи ўларок, Ўзбекистонда ўз ривожланиш моделининг амалга оширилиши натижасида ялпи ички маҳсулотнинг барқарор ўсиши кузатилмоқда. Утган йили бу кўрсаткич 8,1 фоизни ташкил этган бўлса, жорий йилнинг биринчи ярмида 8 фоиз бўлди. Айни пайтда миллий иқтисодиётимизнинг барча жабҳалари, жумладан, қишлоқ хўжалиги ва бошқа тармоқларнинг мувоозанатли ривожланиши таъминланмоқда. Мамлакатимизда мазкур тармоқларни модернизация қилиш ва техник қайта жиҳозлаш, замонавий пахта ишлаб чиқариш, пахта толасини халқаро стандартларга мувофиқ қайта ишлаш ва сотиш комплексини ташкил этишга қаратилган улкан ўзгаришлар амалга оширилди.

Шу боис юқори сифати бутун дунёда эътибор этилган ўзбек толасига бўлган эҳтиёж жаҳон бозорларида мунтазам ортиб бораётир. Халқаро Ўзбекистон пахта ярмаркаси иштирокчиларининг сони йил сайин кўпайиб бораётгани ҳам шундан далolatдир. Мисол учун, 2005 йилда 30 мамлакатдан 170 га яқин трейдерлик ва тўқимачилик компаниялари қатнашган бўлса, 2009 йилда қарийб 500 компания иштирок этди. Бу йил эса ушбу анжуманга 34 давлатдан 300 дан зиёд компания ва Ўзбекистоннинг пахта бизнеси соҳасида фаолият кўрсатган 500 дан ортиқ хорижий ҳамкорлари ташриф бурди.

(Давоми 2-бетда.)



Эътибор билан НОМИРОВА ОЛГАН СУРАТЛАР.



## Фаолларнинг вазифалари ягона мақсаддан келиб чиқиши зарур

ЎЗХДПда сиёсий ва фуқаролик маърифати

■ ЎЗХДП Тошкент шаҳар Кенгаши ташаббуси билан Президентимизнинг БМТ Мингйиллик ривожланиш мақсадлари бўйича ялпи мажлисида сўзлаган маърузасида кўтарилган масалаларни ўрганишга бағишланган семинар бўлиб ўтди.

Эпидемиология, микробиология ва юқумли касалликлар илмий-тектириш институтида ўтказилган бу тадбирда Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎЗХДП фракцияси ҳамда халқ депутатлари шаҳар Кенгашидаги депутатлик гуруҳи аъзолари, шаҳар ва туман партия ташкилотлари фаоллари, «Истикбол» ёшлар ва «Фаол аёллар» қанотлари етакчилари иштирок этишди.

Семинарда асосий эътибор Мингйиллик ривожланиш мақсадларини амалга оширишда Ўзбекистонда кучли ижтимоий сиёсат ўтказиш тажрибаси ҳамда шу мақсадда олиб борилаётган ишларда ЎЗХДПнинг ўр-

нини мустақамлаш масалаларига қаратилди.

— Ўзбекистон раҳбарининг фикр-мулоҳаза ва тақлифлари давлат ва жамоат ташкилотлари томонидан чуқур ўрганилиб, кенг тарғиб қилинмоқда, — деди Тошкент шаҳар партия кенгаши раиси ўринбосари Маргарита Аҳмедбекова. — Маърузада нафақат Марказий Осиеда, балки бутун дунёда тинчлик ва барқарорликни мустақамлаш, хавфсизликни таъминлаш, экологик муаммоларни ҳал қилиш, аҳоли турмуш фаровонлигини ошириш каби қатор аниқ тақлифлар илгари сурилган.



## Партия аъзосининг бурчи

Баҳс-мунозара

■ Мамлакатимизда кўппартиявийлик тизимининг қай даражада мустақамлашни бориши, аввало, жамият аъзоларининг дунёқараши, атрофдаги жараёнларга муносабатиди кўрилади. Шу маънода партиянинг кучи аъзолари сони билан эмас, балки уларнинг сиёсий фаоллигига боғлиқ.

Бахтиёр ОТАХОНОВ,  
ЎЗХДП Собир Раҳимов туман кенгаши масlahатчиси.

Ўз навбатида бирор партиянинг жамият тақдирига масъулигини аъзолар сонининг салмоғи белгиламайди. Демак, бу ўринда асосий масала дастурий мақсадларни ҳаётга татбиқ эта оладиган аъзолар салоҳиятига бориб тақалади. Партия аъзоси ўз бурчини ҳис этиши ўзи мансуб сиёсий кучнинг мақсадларини англаб етишидан бошланади. Шунинг учун партия аъзоларига кирмоқчи бўлган ёшларнинг ижтимоий-сиёсий билиминини мунтазам оширишга эътибор бериш керак. Лозим бўлса, партиянинг маҳаллий ва бошланғич ташкилотларида фуқаролик позициясини ривожлантиришга оид тадбирлар тизимини ишлаб чиқиш лозим. Шунда партиянинг мақсади фақат сайловларда номзодлар кўрсатишдангина иборат эмаслиги ҳақида электоратда тўғри фикр шаклланади.

Партиянинг ҳар бир аъзоси электорат манфаатини ҳимоя қилиш учун курашаётган ўз сафдошларини муносиб қўллаб-

қувватлаши керак. Демокриманки, партия аъзоси қайси соҳада фаолият юритишидан қатъи назар, мамлакатимиздаги сиёсий жараёнлардан атрофлича хабардор бўлиши ҳамда улар юзасидан партиянинг муносабатини шакллантиришга хизмат қиладиган ўз фикрларига эга бўлиши даркор. Чунки ҳар қандай масалада партиянинг позицияси аъзоларнинг фикрларига таянади.

Партия ва унинг мақсадлари ҳақида жамоатчиликда кенг фикр ва тушунча уйғотиш ҳам, аввало, партия аъзоларининг зиммасидаги вазифадир. Чунки хайрихоҳларимизнинг партияга ишончи, эътиқоди партия аъзоларининг сиёсий фаоллиги, амалий ҳаракатларига боғлиқ.

Партия аъзоларида бурч ва масъулият ҳиссини юксалтириш сиёсий партиянинг жамоатчилик билан доимий алоқада бўлишини таъмин қилади. Бу эса партия сафида бўлган ҳар бир киши ўз зиммасидаги вазифани сидқидилдан адо этиши заруратини юзага келтиради. Агар бу вазифа ўз вақтида ва самарали бажарилса, партия чинакамига мустақам сиёсий кучга айланади.

■ Мамлакатимизда жисмоний имконияти чекланган кишиларни қўллаб-қувватлаш диққат-эътиборимиздаги масалалардан биридир.

## Ижтимоий ёрдам

Наманган вилояти «Маҳалла» хайрия жамғармаси шундай кишиларни қўллаб-қувватлаш мақсадида Республика Ноғиронлар жамиятининг вилоят бўлимига 12 миллион сўм маблағ ажратди. Бу маблағ ҳисобидан жамиятнинг 5 та туман бўлимига 2 миллион 465 минг сўмлик жиҳозлар ҳамда компьютер мажмуаси олиб берилди. Олти нафар кам таъминланган ноғиронга 1400000 сўмлик ёрдам кўрсатилди. Икки ноғирон оила фарзандларининг Наманган давлат университетида ўқишлари учун тўлов шартномаси асосида пул ўтказиб берилди.

Носиржон ДЕҲҚОНОВ

## Дунёнинг энг яхши каноэчиси



Хушхабар

Халқаро каноэ федерацияси (ICF) томонидан каноэда эшак эшиш бўйича Ўзбекистон терма жамоаси аъзоси, икки қарра жаҳон чемпиони Вадим Меньков «2010 йилнинг энг яхши каноэчиси» деб эълон қилинди. Йилдан-йилга галабалари сони ва салмоғини ошириб бораётган ҳам байдарка ва каноэда эшак эшиш бўйича жаҳон кубоғи мусобақасининг Франция, Венгрия ва Герма-


(ЎЗА)

## Электорат манфаати

### ПЕНСИЯ ТАЪМИНОТИ

уни такомиллаштиришнинг ҳуқуқий асослари

■ Шунга кўра, жорий йилнинг 1 январидан бошлаб, фуқароларнинг пенсия таъминоти ва тиббий-мехнат экспертизаси масалаларининг бутун комплекси билан боғлиқ функциялар ҳамда тегишли тузилмалар Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги тизимидан чиқарилиб, Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг тегишли бўлинмалари ихтиёрига ўтказилди ҳамда пенсиялар, шунингдек, ижтимоий нафақалар, компенсация ва бошқа тўловларни тайинлаш, молиялаштириш, уларнинг тўланишини ҳисобга олиш ва мониторингини юритиш Пенсия жамғармасининг тегишли ҳудудий бўлинмалари томонидан амалга оширилиши белгилаб қўйилди.



## Эътироф

Компаниямиз оғир бизнеси, логистика ва пахта савдоси билан шуғулланади. Мамлакатингизда етиштирилётган пахта жаҳон тўқимачилик саноати талабларига тўла мос. Утган йили 10 минг тонна пахта етказиб бериш бўйича шартнома тузган эдик. Ўзбек пахтасига талаб йил сайин ортиб бормоқда. Шу боис бу сафар янада кўпроқ пахта сотиб олмақчимиз.

Флор Аҳмед ЯНОВ,  
«International Commodity Trading» компанияси бош директори (Россия)

Шу пайтгача ўзбек пахтасини кунинчи қўллардан сотиб олар эдик. Савдо жараёнида бевосита иштирок этиш учун Ўзбекистонга келдик. Шунинг билан таъкидлашни истардимки, Ўзбекистон пахтасининг сифати йил сайин юксалиб бормоқда. Анжуманда кўплаб мамлакатлардан вакиллар қатнашаётганининг ўзиде ўзбек пахтасининг шўхрати дунё бўйлаб кенг ёйилганидан далolatдир. Ярмаркадаги иштирокимиз ўзбекистонлик шериклар билан ҳамкорликни мустақамлашда жуда муҳим аҳамият касб этиши шубҳасиз.

Ворун ЛАОИТТИ,  
«Togay» компанияси директори (Тайланд)

ОБ-ҲАВО 14-15.10. 2010

	БУГУН	ЭРТАГА
Тошкент	☀️ 27°C	☀️ 24°C
Самарқанд	☀️ 25°C	☀️ 23°C
Нўкус	☀️ 24°C	☀️ 23°C
Қарши	☀️ 28°C	☀️ 27°C
Ургач	☀️ 24°C	☀️ 23°C
Навоий	☀️ 25°C	☀️ 23°C
Фарғона	☀️ 24°C	☀️ 22°C
Бухоро	☀️ 25°C	☀️ 23°C
Андижон	☀️ 24°C	☀️ 22°C
Наманган	☀️ 24°C	☀️ 22°C
Термиз	☀️ 28°C	☀️ 27°C
Жиззах	☀️ 25°C	☀️ 23°C
Гулистон	☀️ 25°C	☀️ 23°C
Тошкент вил.	☀️ 25°C	☀️ 23°C

Лондон	☁️ 12°C	☁️ 13°C
Париж	☁️ 12°C	☁️ 15°C
Москва	☁️ 7°C	☁️ 8°C
Мадрид	☁️ 14°C	☁️ 15°C
Пекин	☁️ 14°C	☁️ 13°C
Гонгконг	☁️ 22°C	☁️ 21°C
Рим	☁️ 13°C	☁️ 12°C
Анкара	☁️ 10°C	☁️ 8°C
Токио	☁️ 16°C	☁️ 15°C
Стокгольм	☁️ 8°C	☁️ 7°C
Кейптаун	☁️ 13°C	☁️ 12°C
Кохира	☁️ 15°C	☁️ 14°C
Гавана	☁️ 23°C	☁️ 27°C
Вашингтон	☁️ 10°C	☁️ 10°C

O'zbekiston havo yo'llari



Хизматлар лицензияланган

ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASI МАРКАЗИЙ БАНКИНИНГ 2010 ЙИЛ 12 ОКТЯБРДАН БОШЛАБ ХОРИЖИЙ ВАЛЮТАЛАРНИНГ СЎМГА НИСБАТАН БЕЛГИЛАГАН ҚИЙМАТИ

1 Австралия доллари	1600,52	1 Миср фунти	285,12	1 СДР	2544,85	10 Жанубий Корея воени	14,51
1 Англия фунт стерлинги	2586,97	1 Канада доллари	1606,70	1 Туркия лираси	1149,45	10 Япония иенаси	197,91
1 БАА дирхами	441,95	1 Ҳитой юани	243,39	1 Швейцария франки	1685,62	1 Россия рубли	54,37
1 АҚШ доллари	1623,25	1 Малайзия рингити	523,29	1 Евро	2248,57	1 Украина гривнаси	205,23

\* Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.







Электорат манфаати

# ПЕНСИЯ ТАЪМИНОТИ

## уни такомиллаштиришнинг ҳуқуқий асослари

■ Бугун «ўзбек модели» деган ном билан бутун дунёда тан олинган мустақил тараққиёт йўлимининг негиздаги машҳур беш тамойилдан бири — ижтимоий сиёсат мамлакатимизда изчиллик билан олиб борилмоқда. Бу борада қабул қилинган қарорлар ва белги-ланган чора-тадбирлардан кўзланган бош мақсад — аҳоли турмуш фаровонлигини оширишга қаратилган.

Маълумки, бозор иқтисодиёти муносабатларида ўтиш жараёнида биринчи галда кўп болали ва кам таъминланган оилалар, ёлғиз кексалар, етим-есир ва ногиронлар, талаба ва нафақа-хўрлар ижтимоий ҳимояга муҳтож бўлади. Агар давлат томонидан қўллаб-қувватланмаса, жамиятнинг бу қатлами ноҳол аҳолига тушиб қолиши ва оқибатда айтаётгани каби адолат-сизликлари юзга келтириши мумкин эди.

Мамлакатимизда ижтимоий соҳага давлат бюджетидан ажратилган маблағ йилдан-йилга тораб ортиб бормоқда. Масалан: 2009 йилда ижтимоий соҳага 6,1 триллион сўм маблағ ажратилган бўлса, 2010 йилда давлат бюджетидан 8,1 триллион сўм ажратилган. Яна бир муҳим масала шуки, мамлакатимиз аҳолисини ижтимоий муҳофазага муҳтож қисмини қўллаб-қувватлаш ва уларга моддий ёрдам кўрсатиш ҳамда уларнинг нафақалари учун, ёшлагидан ногирон бўлиб қолган болаларнинг нафақалари учун 2010 йилда давлат бюджетидан 1,4 триллион сўм маблағ ажратилган.

Бюджетда белгиланган харажатлардан ташқари, ҳуқуқимиз томонидан ҳар йили ёлғиз кексалар, пенсияонер ва ногиронларни аниқ ижтимоий муҳофаза қилиш ва уларга ижтимоий ҳимоят кўрсатишни янада кучайтиришга қаратилган махсус қарорлар қабул қилиниб келинмоқда.

Бир сўз билан айтганда, бугун юртимизда ҳар томонлама мустаҳкам ҳуқуқий асосга эга бўлган ишонгли ижтимоий ҳимоят тизими шаклланди ва у амалда ўзини оқлатмоқда.

Аmmo бундай муҳим йўналишда эришилган ютуқларни кайд этган ҳолда, давлатимиз раҳбари Ислам Каримов таъбири билан айтганда, «бу борада биринчи навбатда олиб бораётган сиёсатимизнинг ҳуқуқий асосла-

рини ва қонуний нормаларини янада такомиллаштириш устида ишлашни ҳаётимизнинг ўзи тақозо этмоқда. Бу ўринда гап ана шу асос ва нормаларни замон талабларига мос равишда аниқлаш ва тўғри қўйиш, мавжуд қонунчилик базасини қайта кўриб чиқиш ва амалдаги ҳуқуқий-меъриий ҳужжатларга тегишли қўшимча ва ўзгаришлар киритиш зарурати, бугун мавжуд бўлган ижтимоий ҳимоят тизимининг самарадорлигини ошириш масаласини кун тартибимизга қўйиш ҳақида бормоқда».

Шу жиҳатдан олганда, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг учинчи ялпи мажлисида маъқуллаб, 10 сентябрь куни матбуотда эълон қилинган «Фуқароларнинг пенсия таъминоти тизими такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгаришлар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни бу соҳадаги ислохотларнинг яна бир муҳим босқичи бўлди.

Ушбу қонун Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 30 декабрдаги «Фуқароларнинг пенсия таъминоти тизими янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони, «Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги тузилмасини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг ташкилий тузилмасини шакллантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорлари асосида ишлаб чиқилган.

Мазкур меъриий-ҳуқуқий ҳужжатларда Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги билан Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси фаолияти-


нинг асосий вазифалари, уларнинг янгиланган функционал-ташкилий тузилмаси белгилаб берилган.

Бунгача эса, фуқароларнинг пенсия таъминоти ва тиббий-меҳнат экспертизаси масалаларининг бутун комплекси билан боғлиқ масалаларни Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ва унинг тизимига кирувчи органлар амалга оширар эди.

2009 йил 30 декабрда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Фуқароларнинг пенсия таъминоти тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони қабул қилинди ва унга биноан пенсия таъминоти тизимининг ташкилий тузилмасини янада такомиллаштириш, пенсиялар ва ижтимоий нафақаларни бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасидан ўз вақтида молиялаштириш ҳамда уларни тўлиқ ҳажмда тўлаш, шунингдек, республика фуқароларининг пенсия таъминотига йўналтирилган маблағлардан мақсадли фойдаланилиши устидан назоратни кўчатириш мақсадида вилоятлар, шаҳарлар ва туманларда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси бўлиmlарини ташкил этилди.

Шунга қўра, жорий йилнинг 1 январидан бошлаб, фуқароларнинг пенсия таъминоти ва тиббий-меҳнат экспертизаси масалаларининг бутун комплекси билан боғлиқ функциялар ҳамда тегишли тузилмалар Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги тизимидан чиқарилиб, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг тегишли бўлиmlарини икътёрига ўтказилди ҳамда пенсиялар, шунингдек, ижтимоий нафақалар, компенсация ва бошқа тўловларни тайинлаш, молиялаштириш, уларнинг тўланишини ҳисобга олиш ва мониторингини юритиш Пенсия жамғармасининг тегишли ҳудудий бўлиmlарини томонидан амалга оширилиши белгилаб қўйилди.

Бир сўз билан айтганда, 2009 йил 30 декабрдаги «Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси фаолияти-



тириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорга асосан бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси ҳамда унинг ҳудудий бошқармалари ва бўлиmlари фуқароларнинг пенсия таъминотини амалга ошириш билан боғлиқ ҳуқуқлар ва мажбуриятлар қисмида Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ижтимоий таъминот органларининг ҳуқуқий ворисларига айланди. Натijaда 2010 йилнинг биринчи ярмида Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг 397 та бўлиmlарини шакллантирилди. Жамғарманинг ижро этувчи аппарати; Қоррақоплогистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бошқармалари; 199 та туман (шаҳар) бўлиmlари; 2 та туман (шаҳар) бўлиmlари филиаллари ташкил этилди. Республика ногиронларни тиббий-ижтимоий экспертиза инспекцияси (27 та бош ТМЭКлар ва 153 та туман (шаҳар), туманлараро ҳамда ихтисослашган ТМЭКлар билан) Жамғармага ўтказилди.

Буларнинг барчаси қисқа давр ичида пенсия таъминоти тизимининг тубдан ислох этилаётганлиги, мазкур соҳанинг фуқароларга хизмат қилиши бора-сидаги сифатини юқори даражага кўтарилаётганлигининг бе-восита далолатидир.

Ушбу билан амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ, «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Қонуннинг «Пенсия тайинлашни сўраб му-рожаат этиш тартиби» деб номланган 43-моддасида «жамоа ҳужжаликлари ва бошқа кооперативларнинг аъзоларига ва уларнинг оилаларига пенсия тайинлаш тўғрисидаги ариза жамоа ҳужжали (кооператив) бошқаруви орқали берилди», деб белгилаб қўйилган эди.

Қонуннинг 43-моддасига киритилган янги ўзгариш «кишлоқ ҳўжалиги кооперативлари (ширкат ҳўжаликлари), бошқа кооперативларнинг аъзоларига ва уларнинг оила аъзоларига пенсия тайинлаш тўғрисидаги ариза кооператив бошқаруви орқали берилишини» назарда тутди. Шу тариқа айтиш мумкинки, Қонуннинг ушбу моддаси кишлоқ ҳўжалигининг замонавий ишлаб чиқариш тузилмасига мослаштирилган.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, «Фуқароларнинг пенсия таъминоти тизими такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгаришлар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни давлат ижтимоий ҳимоя соҳасининг пенсия таъминоти тизимини мувофиқ равишда олиб бориш, пенсия ва ижтимоий нафақаларни бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасидан ўз вақтида молиялаштириш ҳамда уни тўлиқ ҳажмда тўлаш, шунингдек, республика фуқароларининг пенсия таъминотига йўналтирилган маблағлардан мақсадли фойдаланиш билан боғлиқ ҳуқуқий муносабатларни тартибга солиш ва мамлакатимиз реал тизимининг замонавий реал ҳолатини ўзида тўлиқ ас эттиради.

Жавлон АБДУЛЛАЕВ, Ўзбекистон Республикаси Президентини ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатларини мониторинг институти бош илмий ходими, юридик фанлари номзоди

Хорижда  
Норозилик  
намоишлари

пенсия соҳасидаги ислохотлар бунга сабаб бўлди

■ Франция ҳукумати томонидан режалаштирилган пенсия ислохоти, яъни, пенсия ёши 60 дан 62 ёшгача узайтирилиши назарда тутувчи ўзгаришларга қарши кенг миқёсли норозилик намоишлари ўтказилмоқда.

Натijaда, дейлади «Новости» АА хабарида, жамоат транспорти ва шунингдек, кўпгина соҳалар фаолиятида узиллишлар юз бермоқда. Жумладан, Марсел, Монпел, Ницца, Тулон ва Дижон шаҳарларида метро, трамвай ва автобуслар ҳаракати деярли тўхтаб қолди — 50 фоиз транспорт ҳаракатланмоқда, холос. Тулузада ҳам аҳвол шундай.

Авиадиспетчерлар ва бошқа авиаходимлар иш ташлаши оқибатида Орли аэропортида 50 фоиз парвоз, Руасси ва Бове аэропортларида эса 30 фоиз, Ниццада — 23 фоиз, Марсел, Тулуза, Бордо ва Лионда — 21 фоиз парвозлар бекор қилинган.


Норозилик намоишлари энергетика ва нефтни қайта ишлаш сингари стратегик аҳамиятга эга соҳаларни ҳам қамраб олган.

Шуни таъкидлаш лозимки, мамлакат касабаношунаклари томонидан уюштирилган бу норозилик акцияларида 899 мингдан ўч миллионгача киши иштирок этмоқда. Норозилик намоишлари сентябрь ойидан буён бешинчи марта уюштирилиши.

Темир йўл кесишмасида

фожиа юз берди

■ Украина президенти Виктор Янукович эълон қилган қарорга қўра, кеча мамлакатда мотам куни бўлиб ўтди. 12 октябрь куни ўз берган фожиа мотам эълон қилинишига сабаб бўлди.



Гап шундаки, Днепропетровск темир йўлида ҳаракатланаётган локомотив темир йўл кесишмасида йўловчи ташувчи автобус билан тўқнаш кетган ва анча масофагача автобусни суриб борган. Натijaда кўплаб одамлар ноубуд бўлган.

Мамлакат Фавкулда вазиятлар вазирлиги маълум қилишича, йўл транспорт ҳодисаси натijaсида 42 киши ҳаётдан кўз юмди.

Ноқонуний аборт учун қамалиши мумкин

■ Россия давлат думаси ноқонуний аборт, яъни, ҳомилини ноқонуний олгани учун шифокорларга қўлланадиган жазони янада қатъийлаштирмоқчи. Думанинг соғлиқни муҳофаза қилиш бўйича қўмитаси Жиноят кодексига киритилиши мўлжалланаётган ўзгариш ва қўшимчаларни кўриб чиқиш учун дума ихтиёрига топширди.

Агар дума депутатлари бу ўзгариш ва қўшимчаларни маъқуллаш, ноқонуний ишга қўл урган акушер-гинекологларга қатъий чоралар қўрилиши йўлга қўйилади. Яъни, 500 минг рублгача миқдорда жарима жазосига тортилади ёки 8 йилгача озодликдан маҳрум қилинади.

«Вести ФМ» нашрида ёзилишича, кейинги лойиҳаларда мамлакатдаги давлат ва ҳусусий клиникаларда ноқонуний ва, бу ҳам етмагандек, абортларни сифатсиз бажариш ҳаддан зиёд кўпайиб кетган. Айнакча, ҳусусий клиникаларда ҳатто мумкин бўлмаган ҳолларда ҳам яхшигина тўланган ҳақ учун ҳомилини олиб ташламоқдалар.

Россияда хизмат кўрсатган шифокор, дума депутати Татьяна Яковлеванинг айтишича, мамлакатда юз бераётган оналар ўлимининг деярли ярми айнан ноқонуний амалга оширилган абортлардан сўнг юзга келаётган асоратлар боис рўй бермоқда.



«Мадад» сугурта агентлиги жамоаси котиб-референт Натела Усмоновага волидаи муқтарамаси НАСИБА АЯНИНГ вафоти муносабати билан чўқур ҳамдардлик билдиради.

■ Термиз шаҳрида «Харбий хизматчиларнинг ҳуқуқий мақомини таъминлашда ҳарбий прокуратура органларининг роли» мавзюда амалий семинар ўтказилди.

Муҳим мавзуга бағишланди

Анжуанда кейинги йилларда юртимизда миллий армияни шакллантириш, уни замонавий талаб ва стандартларга мослаштириш борасида олиб борилган кенг қамровли ишлар алоҳида таъкидлаб ўтилди. Худудий яхлитлик ҳамда ҳавфсизликни таъминлаш борасидаги ютуқлар ўз натижасини бераётгани эътироф этилди. Шунингдек, семинарда соҳага доир қонун ҳужжатларининг жойлардаги ижросини таъминлаш юзасидан фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Абдумалик ҲАЙДАРОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

Вилоят архиви янги бинода

■ Навоий шаҳри кун сайин гўзаплашиб борапти. Мустақиллигимизнинг 19 йиллиги тантаналарида шаҳарда муҳташам ёнги замонавий театр иншооти очилган бўлса, яқинда вилоят давлат архивининг янги биноси фойдаланишга топширилди.

Бу уч қаватли муҳташам бинони шаҳардаги «Ғолиб Беход» ҳусусий курилиш фирмаси бунёдкорлари давлат бюджетидан ажратилган 870 миллион сўмлик маблағ эвазига барпо этилди. (Ўз мухбиримиз)

Кувончли воқеа

# Изланиш ва илмий ёндашув самараси

Қарши даштидаги Нишон туманида бу йил энг сифатли пахта ва тола етиштирилди

■ Ҳа, янги ҳосилдан ажратилган толани кўлимда салмоқлаб, чамалаб кўрдим. Пишиқ. Суяги далада қотган деҳқонлардан бири уни «Нишона олий» — туманининг энг юқори сифатли пахта толаси, деб баҳолади. Бу муболага эмас. Илгари тола ажратиш 34-35 фоизга етарди. Бу кўрсаткич 38 фоиздан ошди. Ҳеч қачон бунча мўл ва асл тола ажратиб олинмаганди. Бу — пахтаимиз жаҳон бозорига бекорга серталаб эмаслигини яққол исботлаб турибди.



— Дарҳақиқат, бу йил деҳқончилик яхши бўлди, — дейди партияимиздан вилоят Кенгаши депутати, пахта уручилиги инспекцияси ва «Деҳқончилик Кенгаши» бошлиги Шодиёр Ҳўжаназаров. — Чунки муҳтарам Юрбечимиз дон ва пахта уручилигига алоҳи-



да эътибор қаратапти. У кишининг гамхўрлиги билан Қашқадарё ғалла уручилиги илмий-тадқиқот институти ташкил топди, энг замонавий ускуналар билан жиҳозланди. Бу ерда қатор илмий изланишлар олиб борилмоқда. Пахтачилик соҳасида ҳам янгиликлар кўп. Ўнлаб яхши навлар синовдан ўтапти. Масалан, яхши тола ажратилаётган «Бухоро-6» нави Нишон тумани шароитига мослиги, ҳосилдорлиги бандлиги синаб кўрилди. — Яхши пахтани яйраб ўстиришга нима етсин, — сўзбата қўйилган тумандаги «Хўжайр ота» фермер ҳўжалиги раиси, Олий Мажлис Сенати аъзоси Тўра Раҳмонов. — Кейинги йилларда серҳосил бир қанча навлар далаларимизда синалди. Бу йил 135 гектар жойда «Бухоро-6» нави пахта етиштирилди. Шартно-мадаги 400 тонна ўрнига 640 тонна пахта сотдик. Унинг ағчаси уруклик пахтадир. Туманда ўнлаб моҳир деҳқонлар етишиб чиқмоқда. Улар бу йил 21 минг гектар майдонда деҳқончилик қилиб, 50 минг тонна пахта сотиш учун курашмоқда. Карвон манзилга яқинла-

Изланиш ва илмий ёндашув

самараси

Қарши даштидаги Нишон туманида бу йил энг сифатли пахта ва тола етиштирилди



шиб қолди. Деҳқонлар ва пахта тозалаш ОХЖ жамоаси ўртасида мустаҳкам ҳамкорлик вужудга келган. Хозиргача 2600 тонна уруклик пахта ҳам тайёрланди. Корхона бош муҳандиси Рашид Эргашев жараён билан таништирар экан, тарихни тилга олади. Қарши даштида илк ташкил топган Нишон туманида 1979 йили пахта тозалаш заводи қурилган эди. — Хозиргача 8 минг тонна янги ҳосилни қайта ишлаб, 3 минг тоннага яқин сифатли тола ажратдик ва бюрт-мачиларга жўнатдик, — дейди Рашид-жон мамуният билан. — Тола қиқши юқори, сифати аъло. Бунинг яна бир сабаби — корхонада модернизация ишлари амалга ошган. Натijaда меҳнат унвдорлиги ҳам, махсулот сифати ҳам ошди. — Қаранг, куриштиш ва тозалаш ус-



